А.Норматов
А.Ражабов

Гўзал ўлка қўшиқлари

# Гўзал ўлка қўшиқлари

*Қўшиқлар тўплами*



Ўзбекистон халқ таьлими вазирлиги

*Ўзбекистон мустақиллигининг 20 йиллигига ҳамда ЖДПИ таваллудининг 35-йиллигига бағишланади.*

# Гўзал ўлка қўшиқлари

*(Қўшиқлар тўплами)*




***Миллий мусиқамиз ёшлар нигоҳида***

Абдулла Қодирий номли Ж.Д.П.И

ЖИЗЗАХ - 2010

Кўлингиздаги ушбу тўплам асосан янги ва замонавий қушиқлардан иборат бўлиб яккахон хонандалар ва ашуллачилар ансамбли ижроси учун мўлжалланган. Тўпламга киритилган кўшиқлар эркак ва аёл овозлари диапазони учуи мослаштирилган. Қўшиқларни асосан халқ чолғу асбоблари ансамбли ёки, якка чолғуларда ижро этиш мумкин. Бу қўшиқпардан мусиқий йўналишда таьлим олувчи олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талабалари анъанавий ижрочилик сохасида ҳамда вокал ижрочилигида репертуар сифатида фойдаланишлари мумкин.


**Муаллифлар:** ***Абдурасул Норматов*** ЖДПИ Катта ўқитувчиси Ўзбекистон Республикаси Халқ маорифи аьлочиси.

***Аҳмаджон Ражабов*** ЖДПИ Ўқитувчиси

**Маьсул мухаррир:** ***Исматилло Қудратов*** ЖДПИ кафедра мудири педагогика фанлари номзоди доцент.

**Тақризчилар:** ***Пайзиқул Зокиров*** ЖДПИ ўқитувчиси. Ўзбекистон бастакорлар уюшмаси аьзоси

***У.Жуманазаров*** ЖДПИ ўқитувчиси, профессор.

**Компютерда терувчи:** ***Комил Жомуродов*** ЖДПИ ахборот технология маркази ходими.


Жиззах давлат педагогика институти илмий кенгашининг йиғилишида кўриб чиқиш учун тавсия этидди.

## Сўз боши

*Мусулмон ичра лекин, нағма кўп бор*
*Чинончи ғижжагу, танбуру, сетор*
*Дутору арғонун, қонун ила руд*
*Рубобу доира, чангу, наю, уд.*

***Фурқат***

Ўзбек халқи жаҳон мусиқа хазинасига ўзининг миллий-мусиқий дурдоналари билан муносиб ҳисса қўшиб келаётган, ўзига хос саньатсевар халқдир. Халқимизнинг жахон мусиқа саньати мухлисларига кўз-кўз қилишига арзигулик бой мусиқа мероси бўлиб, улар устоз ҳофизлар ва мутриби созандалар томонидан минг йиллардан буён куйланиб ва садо таратиб келаётган мумтоз куй-кўшиқлар, мақомлар, наёб миллий чолғуларимиз ҳамда уларнинг мохир ижрочилари, бастакорларимиз томонидан ижод қилинган ўлмас мусиқа асарларимиз ўзининг наёблиги, мелодик ва ритмик жиҳатдан мураккаб тузилишга эга бўлганлиги билан асрлар оша яшаб келмоқда. Нақадар бой мусиқа меросимизнинг жонли жараёнини белгиловчи мухим омил ана шу хонандалик ва созандалик саньатидир.

Миллий чолғучилик саньатимиз кўп асрлардан буён хонандалик саньати билан ёнма-ён, камарбаста бўлиб ривожланиб келдики, ҳатто кўпинча уларни бир бирисиз тасаввур қилиш ҳам қийин. Чунки, моҳир ҳофиз ва хонандалар асосан моҳир созандалардан етишиб чиққан. Фикрларимизнинг далили сифатида шуни айтишимиз мумкинки, миллий мумтоз қўшиқчилигимизда дурдона асарлар ҳисобланмиш мақомлар ва бошқа вазмин йўлда куйланувчи асарлар мусиқий йўналиши, ритми ва доира усуллари мураккаблиги жиҳатдан ғарб мусиқашуносларини ҳайратга солиб келмоқда. Халқимиз орасидан ўзларининг юксак истеьдоди билан бутун шарқ мамлакатларига, шунингдек Ўрта Осиё халқларига танилган улуғ ҳофизлар ва машҳур созандалар етишиб чиққан ва улар ижросидаги юракларни сел қилувчи куй ва қўшиқлар ҳеч қачон унитилмайди. Бунга ҳофизлардан Отажалол Носиров, Домла Ҳалим Ибодов, Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов, Ливича ҳофиз, Михаил Толмасов, Мулла Тўйчи Тошмухаммедов, Юнус Ражабий, Жўрахон Султанов,

Маьмуржон Узоқов, Комилжон Отаниёзов ва бошқаларни, мутриби созандалардан Аюб Қодиров (най), Тўхтасин Жалилов (ғижжак), Фозил Харратов (чанг), Мухаммаджон Мирзаев (рубоб), Уста Олим Комилов (доира), Турғун Алиматов (танбур), Ориф Қосимов (дутор), ва бошқа кўплаб захматкаш созандаларни мисол қилиб кўрсатишимиз мумкин.

Мана шундай миллий қадриятларимизни, улар ижросидаги соф миллий оҳангларни ёш авлод онгига сингдириб бориш ёшларимизни миллий истиқлол ғоялари рухида тарбиялаш ҳамда уларнинг келажакда маьнавий камолга етишишларида асосий омил хисобланади. Кейинги даврда Республикамиз мусиқа маданятининг ривожига ҳукуматимиз томонидан алоҳида эьтибор бериб келинмоқда.

"... Шу билан бирга, эски тузим даврида бу ўқув даргоҳининг фаолияти ҳам ўта мафкуравий асосда, бир ёқлама ташкил этилганини тааьссуф билан эслаймиз. Узоқ йиллар давомида бу ерда миллий мусиқа саньатига эьтибор берилмагани, ҳатто жахон мусиқа маьданятининг энг нодир намуналардан бўлмиш мақом саньатига ҳам беписандлик билан қаралгани, уни ўрганиш ва тарғиб этиш масаласи 70- йиллардагина, шунда ҳам халқоро мусиқа жамоатчилигининг таьсири остида йўлга қўйилгани, ўйлайманки кўп нарсани англатади."

*И.А.Каримов*

*Тошкент Давлат консерваторяси янги биноси очилиши маьросимида сўзлаган нутқи (Халқ сўзи 23-март 2002 йил).*

Президентимизнинг юқорида айтган гаплари ҳамда Республикамиз театр ва мусиқа санъатини ривожлантириш тўғрисидаги, шунингдек болалар мусиқа ва саньат мактаблари фаолятини ривожлантириш тўғрисидаги қарор, фармон ва фармоишлари, бундан ташқари унинг "Юксак маньавят – енгилмас куч" (2008 йил) асари миллий мусиқамиз тараққиётини янада жадаллаштириш, унинг жахон мусиқа маданятида тутган мавқеини янада юқори кўтариш учун қилаётган саьй- ҳаракатларимиз йўлида биз мусиқа ва

саьнат аҳиллари учун дастуруламал бўлиб келмоқда.

Қўлимиздаги ушбу тўплам миллий қўшиқчилик саньатимиз руҳидаги асосан янги қўшиқлар, шунингдек, қўшиқ ўрганиш машғулотларида фойдаланиш учун яхши натижалар берадиган, ўрганувчи ёшларни ўзининг ғоявий мазмуни, лад йўналиши ва миллий руҳи билан қизиқтирадиган асарлар жамламасидан ташкил топган .

Бу тўплам олий ва ўрта-махсус ўқув юртлари мусиқа таьлим йўналиши бўйича ўқувчи талабалар, мустақил қўшиқ ўрганишни ҳоҳловчилар, бадиий ҳаваскорлик жамоаси хонандалари учун мўлжалланган бўлиб, улар орасида эркак ва аёл хонандалар учун ёзилган асарлар мавжуд ҳамда бу асарлар уларнинг ижро этишларига қулай тоналликларида ёзилган.

Агар ижрочилар танлаган асарлар улар овоз диапазонига мос келмаса бу асарларни юқорига, ёки пастга томон ҳоҳлаган тонга транспазиция қилишлари мумкин. Шунингдек биз асарларни жамлаш жараёнида ҳам омма ўртасида унчалик танилмаган шоир, тўғрироғи ҳаваскор шоирлар шеьрларидан ҳам фойдаландикки, мақсадимиз ушбу тўплам орқали уларнинг ижод намуналарни кенг омма ўртасига ёйишдир.

*Муаллиф* .

### *Ўзбекистоннинг*

Асар вальс тезлигида ва ҳарактерида ёзилган бўлиб, асосан умумтаълим мактаблари ўқувчилари ва қўшиқ айтишни энди ўрганаётган ўғил-қиз болалар учун мўлжалланган. Харакатер жиҳатидан миллий бўлиб, миллий оҳанглар орқали ижро этиш талаб қилинади. Куплет шеърлар орасидаги мусиқий жумлалар асар ҳарактерини очиб беради.

## Ўзбекистоннинг

Х.Мухаммадалиев шеъри
А.Норматов мусиқаси




Қушлар сайрар боғи бор,
Кийик ўйнар тоғи бор.
Қуёшдан ўртоғи бор,
Юртим Узбекистоннинг.

Ипагининг толаси,
Оқ-Олтинин шонаси.
Куй чалар шалоласи,
Кўрки Ўзбекистоннинг.

Ҳавас қилиб ой боқар

Дарёсидан нур оқар.

Бахор келиб гул тақар,

Кўринг Ўзбекистонни.

### ***Самарқанд***

Асар Хоразм савти сулвораси услубида ёзилган бўлиб, ритмик жиҳатдан анча мураккаб ва ижрочидан анчагина тажриба ва маҳорат талаб қилади. Бизга маълумки, Хоразм доира усуллари ёпиқ усул дейилади. Бунга сабаб тактдаги доира усули "бум"дан бошланиб "бум"да тугашидир. Асар ижросида сўзлар охирги "бум"дан олдин, ёки охирги "бум" билан бирга ижро этилса доира усулига мос тушади. Қуйида биз асарни эркаклар овози учун қилай таналликда бердик, яъни ми-минор тоналлигида. Агар уни ижро этувчи аёл киши бўлса ля-минор, ёки си-минорга ўзгартириш (транспазиция) мақсадга мувофиқдир. Асар Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик тўйига бағишлаб ёзилган.

## Самарқанд

И.Солохиддинов шеъри
А.Норматов мусиқаси




гул-шан-га ўх - шай-дур
Сў - лим боғ-лар-га бур-
кан-ган а-жаб мас-кан-га ўх - шай-дур
На-зар
да го-хи со - ҳиб-кор ку-ло - лу мис-га-ри ба-ри На-зар - да го-хи со - ҳиб-кор ку-ло-
лу мис-га-ри ба-ри Ў-зи-нинг кас-би-га мо-хир-ки со-хиб фан-га ўх - шай-дур
Ў-зи - нинг кас-би-га мо-хир-ки со - хиб фан-га ўх -
шай-дур
Э-ли-нинг ҳим-ма-ти - дар - ё си-по-
лик бо-би-да аъ - ло
А-гар
меҳ-мон жам бўл - са у мез - бон-жон-га ўх - шай-дур.




Самарқанд бир қарашда дилрабо гулшанга ўхшайдур,

Сўлим боғларга бурканган ажаб масканга ўхшайдур.

Назарда гохи соҳибкор кулолу – мисгари бари,

Ўзининг касбига мохир ки, сохиби фанга ўхшайдур.

Элининг ҳиммати дарё, сиполик бобида аъло,

Агар меҳмон жам бўлса у мезбонжонга ўхшайдур.

Салоҳий булбули гўё каби куйла Самарқандни,

Жахон тарихига кўзгу деманг, аҳсанга ўхшайдур.

### *Айланар*

Асар Хоразм миллий ижро услубида ёзилган ва эркаклар овози учун мўлжалланган. Ритмик жиҳатдан мураккаб эмас. Ижро жараёнида миллий оҳангдорлик ва овоз ишлатиш маҳоратини талаб қилади. Бу айниқса, асарнинг охирги бойтида, яъни "эй маҳзуний гар умринг заифдур" жумласида мавжуд, у ижрочидан доира усулига эътибор беришни талаб қилади.

# Айланар

Маҳзуний ғазали
А.Норматов мусиқаси

**Moderato**




ў-қи-дин дил-да шу-у-ри йў-қи-дин Ас-ра ё-мон-нинг ў-қи-дин
дил-да шу-у-ри йў-қи-дин Ха-қи-қат,дил-нинг чў-ғи-дин но-пок са-зо-га
ай-ла-нар
Хий-ла-дин юз шу-вут бў-либ ёл-ғон ёр-лар қош у-чи-риб
Ў-шал дил-дор-лар
вақт ке-либ бир бе-ҳа-ё-га ай-ла-нар Ким-лар-ни қўл-лаб за-мо-ни
хо-ин-лик ай-лар за-бо-ни Хун-рез-лик қи-либ жа-хо-ни дў-зах ба-ло-га
ай-ла-нар Эй Мах-зу-ний гар ум-ринг за-иф-дур та-нинг за-иф-дир
За-иф-лик-ни қил-санг ни-қоб ай-бинг ри-ё-га
1.
2.
ай-ла-нар Ай-ла-нар

Оқил бўлсанг эй фарзандим сўзинг сафога айланар,
Унутма халқинг, устозинг меҳру вафога айланар.
Аё дўстим, бебурдликдан оқ ҳам қарога айланар,
Кетиб иймони диллардан тиллар ярога айланар.
Асра ёмоннинг ўқидин дилда шуури йўқидин,
Хақиқат дилнинг чўғидин напок сазого айланар.
Хийладин юз шувут бўлиб, ёлғон ёрлар қош учуриб,
Ўшал дилдорлар вақт келиб бир беҳаёга айланар.
Кимларни қўллаб замони хоинлик айлар забони,
Хунрезлик қилиб жахони дўзах балога айланар.
Эй Махзуний гар умринг заифдур, танинг заифдир,
Заифликни қилсанг ниқоб айбинг риёга айланар.

***Ўзимга насиҳат***

Бу асар Хоразм савти суворaси йўлида ёзилган ва ритмик жиҳатдан бир оз мураккаброқ, яъни усулининг охирги "бум"дан олдин тушилади. Асар ми-минор тоналлигида бўлиб, эркаклар овози учун мўлжалланган ва насиҳат характеридаги сўзлардан ташкил топган.

## Ўзимга насиҳат

Саъдулла Ҳаким шеъри
А.Норматов, савти сувора
йўлига мослаштирди.




Танг-ри хук - ми-га а-зал бир чо - ра-йўқ Бан-да-си бил-мас ке-либ
кет-мо - ғи-ни Бан-да-си бил-мас ке-либ кет-мо - ғи-ни
Ис-та-са бер-гай бе- мор -
-ри-га ши-фо Ис-та-са бер-гай бе-мор - ри-га ши-фо Дард бе-риб
сол-гай си-нов га со-ғи-ни Дард бе-риб сол-гай си-нов - га со-ғи-ни
ой - - -
- Эй кўн-гил
бу ха-ди-сот иб-рат сен-га эй кўн-гил бу ха-ди-сот иб-рат сен-га Тов-ба қил
бер-син жан-нат чар-бо - ғи-ни Саъ-дул-ло сен-га е-тар қир-мо - чи ҳам
Саъ-дул-ло сен-га е-тар қир-мо - чи ҳам Дўс-ту-ёр - га-тух - фа эт
қай-мо - ғи-ни Дўс-ту-ёр - га тух-фа эт қай-мо - ғи-ни

Нописанд босма хазон япроғини,
Эслагил соя берган чоғини.

Тангри ҳукмига азал бир чора йўқ,
Бандаси билмас келиб кетмоғини.

Истаса бергай беморига шифо,
Дард бериб солгай синовга соғини.

Эй кўнгил бу ҳодисот ибрат сенга,
Товба қил, берсин жаннат чарбоғини,

Саъдулла сенга етар қирмочи хам,
Дўсту ёрга тухфа эт қаймоғини.

### ***Тасаддуғингман***

Асар лирик характерда бўлиб, минор ладида ёзилган *(гиппофригий ладии),* яъни бир оз маюсроқ ижро этилади. Доира усули оддий тановар усулида, асарнинг характерли жихати иккинчи ва учинчи пағоналар оралиғида ҳосил бўлган орттирилган секунда бўлиб, у асарга шарқона жозиба берган. Шунингдек, асарнинг авж қисмида учрайдиган ми-бемол ҳам асарга ўзгача жозиба бахш этган. Унинг лади гаппофригий бўлиб, минор ладининг табиий, гармоник ва мелодик турларидан бир оз фарқ қилади. Асарни тўлиқ таркибли созандалар ансамбли жўрлигида ижро этиш ва маҳорат билан куйлаш, унинг келгуси истиқболини белгилайди.

## Тасаддуғингман

Т.Тўла шеъри
А.Норматов мусиқаси




бо-ди са-бо - ға бо - ди са - бо - дан кет - ди са- мо
га Са-до - қа- тинг - дан сер-файз бу боғ - лар
Минг-бор та-сад - дук сен дил - ра - бо - га
Минг-бор та- сад - дук сен дил - ра- бо - га
О - лам му - нав - вар сен бор са- мо - да
Сен - бор са- мо - дан сен дил - ра - бо - га
Сен бор са - мо - дан сен дил - ра - бо - дан
f(p)
Бир куш-ми- со - ли
ўр - гат-ма-динг-му Қал-бим-ни бе - хос


тўл- ғат - ма - динг - му
Ой бот- ти - му ё тўл - ғаб ма- бо -
-да Қалб- уф - қи ўз - ра сен бот - ма - динг
му О-лам-му- нав - вар сен бор са- мо - дан
Сен бор са - мо - дан сен дил - ра - бо - дан
Сен бор са - мо - дан сен дил - ра - бо - дан
Ой - - - - - ой - -
Ёғ- ду - га тўл -
-ди ишқо - ши - ё - ни Юл-дуз ча - рақ - лаб




Мадхингни айтдим боди сабога
Боди сабодан кетди самога
Садоқатингдан серфайз бу боғлар
Минг бор тасаддуқ сен дилрабога.

Нақорат:
Олам мунаввар сен бор самода
Сен бор самодан сен дилрабога.

Бир куш мисоли ўргатмадингму
Қалбимни бехос тўлғатмадингму
Ой ботдиму, ё тўлғаб мабодо
Қалб уфқи узра сен ботмадингму.

Нақорат.

Ёғдуга тўлди ишқ ошиёни
Юлдуз чараклаб тун осмони
Шулки муродим куйлай умрбод
Сен катта бўлган шу Осиёни.

Нақорат.

***Тақдиргинам.***

Асар гарчи Хоразм доира усулида ёзилган бўлсада, унинг амалдаги ижроси кўпроқ Форғона-Тошкент ижро услубидадир. У асосан якка аёл хонанда ижроси учун мўлжалланган, чунки асар мазмуни шуни тақозо этади. Диапазони бир мунча кенг бўлиб, бу эса хонанда овозининг имкониятини очиб беришга ёрдам беради.

## Тақдиргинам

Хуршида шеъри
А.Норматов мусиқаси




ғa-ним-лар-нинг ба-ланд бо-ши э-гик бўл-син Бўй бў- йи - га дил-ди- ли - га
тенг-лик бўл-син
ғa-ним-лар-нинг
ба-ланд бо-ши э-гик бўл-син Бўй бў-йи-га дил- ди - ли-га тенг лик бўл
Сев-ган ё-рим қис-ма-тим-га би - тик бўл Тақ-дир- ги - нам пе-шо-нам-ни
си - лаб қўй-гин
Кўз-ни о-лар тил-ло-лар-га ху-шим йўқ-дир Дил яй-ра-тар
ял-ло-лар-га ху-шим йўқ- дир Сев-га-ним-дан ўз-га-си-да и-шим йўқ - дир
Тақ-дир- ги - нам пе-шо нам-ни си - лаб қўй - гин Ке-ча - ла-ри ой-га син-гил
ту - тин-дим мен Дард чек-сам ҳам тақ-дир де-я ю- кин - дим мен
Бах-тим бер-гин шу-ни сен-дан ў- тин - дим мен Тақ-дир - ги - нам
Тамомлаш
пе-шо-нам-ни си - лаб қўй - гин p гин

Мен томонга биржилмайиб қараб қўйгин
Ўтинаман тугал бахшни тилаб қўйгин
Бошим олиб қўлларингга тутиб турай
Тақдиргинам пешонамни силаб қўйгин.

Кимлар  шошар баланд дорга осилгани
Билиб бўлмас эртанги кун не бўлгани
Бўлар экан пешонага ёзилгани
Тақдиргинам пешонамни силаб қўйгин.

Ғанимларнинг баланд боши очиқ бўлсин
Бўйи – бўйига, дили – дилга тенглик бўлсин.
Севган ёрим қисматингда битик бўлсин
Тақдиргинам пешонамдан силаб қўйгин.

Кўзни олар тилларга хушим йўқдир
Дил яйратар яллоларга хушим йўқдир.
Севгинамдан ўзгасида ишим йўқдир
Тақдиргинам пешонамдан силаб қўйгин.

Кечалари ойга сингил тушундим мен
Дард чексам ҳам тақдир дея юқиндим мен.
Бахтим бергин шуни сендан ўтиндам мен
Тақдиргинам пешонамдан силаб қўйгин.

### *Севги вальси*

Асар валс ҳарактерида бўлиб хотин-қизлар овоз диапозанига мослаб ёзилган, яъни ля-минор тоналлигида. Унинг ўзига хос хусусияти еттинчи поғонаси кўтарилганлигида бўлиб, бу асарга шарқона жозиба бахш этган. Асарни тўлиқ таркибли созандалар ансамбли жўрлигида якка, ёки кўпчилик бўлиб ижро этиш, унга ўзгача файз бағишлайди.

## Севги вальси

П.Муминов шеъри
А.Норматов мусиқаси




ноз Чин сев-ги-син ай - ла-син из - хор ю - рак - лар
1.
2.
Юл-дуз-ла-ри - мос ке-либ тур-син ха ми
ша Ю-рар йў-ли Я рақ-лаб тур - син ҳа - ми - ша Ши-рин дав - ру
Дав-рон-лар сур-син ха - ми - ша тўл-син аҳ - ду Пай-мон-га иқ - рор ю - рак -
лар Кўн-гул-лар-да
би-тил-ган қа - рор қа - рор - дур Ор-зу - ла-ри кул-ган-лар чин
бах-ти - ёр - дур Мў-мин ай-тар сев - ги-да ва - фо-ши-ор - дур
1.
Чин сев - ги - син ар - доқ - лар хуш - ёр ю - рак - лар
Хуш-ёр ю - рак - лар

Висол сари талпиниб хумор юраклар,
Севги сирин айлансин изхор юраклар.
Мухаббатни биларму бедор юраклар,
Севилсину севолсин бир бор юраклар.

Икки дилнинг торлари соз бўлгани соз,
Висол айёмларидан кетмас баҳор ёз.
Гулдай чирой тарасин одоб ила ноз,
Чин севгисин айласин изхор юраклар.

Юлдузлари мос келиб турсин хамиша,
Юрар йўли ярақлаб турсин хамиша.
Ширин давру давронлар сурсин хамиша,
Тўлсин аҳду паймонга иқрор юраклар.

Кўнгилларда битилган қарор қарордур,
Орзулари кўнгиллар чин бахтиёрдур.
Мўмин айтар севгида вафо шиордур,
Чин севгисин ардоқлар хушёр юраклар.

### *Гулни гулга қўш*

Бу асар миллий оҳанглар асосда ёзилган бўлиб, аёллар овозига мўлжалланган. Қўшиқ лирик характерга эга бўлиб, миллий чолғу ансанбли ижроси жўрлигида куйланса мақсадга мувофиқ бўлади. Асар ўртача темпда бўлиб, ижрочидан қўшиқни енгил, майин ва нафис овозда куйлаш талаб этилади.

## Гулни гулга қўш

А.Суюн шеъри
А.Ражабов мусиқаси

**Ўртача темпида**




қўш Гул-ни гул-га қўш Ча-ман я-рал-гай Бу о-лам бўй
-лаб ан-бар та-рал-гай
О - о - ой -
- жо - о - най У-мур ў-тар
ба-ми-со-ли туш Гоҳ бе-дор-миз го-ҳи-да бе-хуш
Ў-мур ў-тар ба-ми-со-ли туш Гоҳ бе-дор-миз
го-ҳи-да бе-ҳуш Гул-чим гул-ни гул-дан-а-йир-ма Гул-ни гул-га қўш
гул-ни гул-га қўш ча-ман я-рал-гай
такрорлаш учун
тамомлаш учун
Бу о-лам бўй-лаб ан-бар та-рал-гай гай

Озод учсин озод келган қуш,
Қалдирғочлар сувга урсин тўш.

Нақорат:
Гулчим гулни гулдан айирма,
Гулни гулга қўш, гулни гулга қўш,
Чаман яралгай.
Бу олам бўйлаб анбар таралгай.

Умр ўтар бомисоли туш
Гоҳ бедормиз гохида бехуш
Гулгим гулни гулдан айирма
Гулни гулга қўш, гулни гулга қўш
Қара қандай дилгир ва хомуш,
Ёрсиз қолган сулув фаромуш.

Нақорат.

Умр ўтар бомисоли туш
Гоҳ бедормиз гохида бехуш.

Нақорат.

***Соғиндим***

Бу асар лирик характерда ёзилган бўлиб хотин-қизлар овозига мосланган. Ижрочидан қўшиқни енгил, майин ва нафис овозда, ўртача темпда куйлаш талаб этилади. Қўшиқнинг II- ва IV-куплетларидаги 1-2 қаторлари такрор куйланиш жараёнидаги нолалар маҳорат билан ижро этилса мақсадга мувофиқ бўлади.

## Соғиндим

А.Ражабов мусиқаси




Кел ёр юз - ла - ринг-ни со- ғин - дим
То-кел-ма-санг кўн-гил тў- лар -
-му
Қо-ро кўз - ла - ринг-ни со - ғин - дим
Но-минг қал-бим сў-ро-ғин-да-дур
Жа- мо-линг кўз қа- ро-ғим-да-дур
Но-минг қал-бим сў-ро-ғин-да-дур
Жа- мо-линг кўз қа- ро - ғим-да-дур
Шўх о - во-зинг қу-ло-ғим-да - дур
Ма-йин о- во-зинг-ни со- ғин
дим
Кел-кел мо-ҳим э-ши-тиб о - ҳим
Ке-чир а-гар бўл-са гу- но - ҳим
Кел-кел мо-ҳим э-ши-тиб о - ҳим
Ке-чир а-гар бўл-са гу- но - ҳим
Сўз-ла-рим-га ға-зал гу- во - ҳим
Те-ран сўз- ла-ринг-ни со- ғин - дим




Фироқ шунча узоқ буларму,
Кел ёр юзларингни соғиндим.
То келмасанг кўнгил тўларму,
Қора кўзларингни соғиндим.

Номинг қалбим сўроғингдадур,
Жамолинг кўз кароғимдадур.
Шўх овозинг қулоғимдадур,
Майин овозингни соғиндим.

Кел-кел моҳим, эшитиб оҳим
Кечир агар бўлса гуноҳим
Сўзларимга ғазал гувоҳим,
Теран сўзларингни соғиндим.

Дутор чертиб наво қилганинг
Дардларимга даво қилганинг.
Ишқ мадҳида садо қилганинг,
Қувноқ созларингни соғиндим.

### *Сен ҳеч кимга ишонма*

Асар ўртача темпда ёзилган бўлиб хотин-қизлар овозига мосланган. Бу қўшиқ сал шўхчан характерга эга, шунинг учун ҳам миллий чолғу ансамбли жўрлигида куйланса мақсадга мувофиқдир.

## Сен ҳеч кимга ишонма

Ф.Бўтаева шеъри
А.Ражабов мусиқаси




Тош от-са-лар и- мон-га Кўз ё-ши э - мас қа-ҳат
Сен ҳеч-ким-га и- шон-ма сен ҳеч-ким-га и- шон-ма Ў-зинг-га
ў-зинг-га ў-зинг-га и - шон фа-қат
Ҳа-ёт шун-дай я- рал-ган қу-вонч э- мас - дур фа-қат Бахт-ли ман деб
я - шар-сан қў-линг-дан кел - са то - қат Сен ҳеч-ким-га и- шон-ма
сен ҳеч ким-га и- шон-ма Ў-зинг-га ў-зинг-га ў-зинг-га и -
шон фа - қат Ў - зинг - га ў - зинг - га
ў - зинг - га и - шон фа - қат.

Умринг бир тутам ёнма
Ҳаётнинг ғами қат-қат
Сен ҳеч кимга ишонма
Ўзингга ишон фақат.

Азм айлаган инсонга
Берилмас имкон наҳот
Тош отсалар имонга
Кўз ёши эмас қаҳот.

Сен ҳеч кимга ишонма,
Ўзингга ишон фақат.
Ҳаёт шундай яралган
Қувонч эмасдур фақат.

Бахтлиман деб яшарсан,
Қўлингдан келса тоқат.
Сен ҳеч кимга ишонма,
Ўзингга ишон фақат.

## *Ватанга садоқат*

Бу қўшиқ ўртача темпда ёзилган бўлиб, эркаклар тенор овозига мосланган. Асар миллий чолғу ансамбли жўрлигида куйланса мақсадга мувофиқ бўлади.

# Ватанга садоқат

А.Жабборов шеъри
А.Ражабов мусиқаси






Дунё кўзи сенга қадалди.
Довруғинг ҳам бирдан таралди.
Номинг ўчмас бўлиб яралди,
Ишон менинг сўзимга ватан.

Жўрахону – маъмуржонларни
Хожихону – Комилжонларни
Муқаддас ул хуш овозларни
Жойладим мен калбимга ватан.

Чўлу саҳро гўзал боғларинг,
Ўрмонларинг, юксак тоғларинг.
Ўйнаб оқар жўшқин сойларинг,
Тўтиёдур кўзимга ватан.

Орол дарди кўксимнинг доғи
Сарҳадларинг кўзим қороғи
Номинг ўчмас қалбим ардоғи
Ишон менинг сўзимга ватан.

***Эй сарви равон***

Нодира ғазалига Саиджон Калонов куй басталаган ушбу қўшиқ мумтоз қўшиқ ҳисобланади. У асосан эркаклар учун ёзилган. Қўшиқ $^{4}/_{4}$ ўлчови бўлиб, тановвар доира усулида ижро этилади. Қўшиқни созандалар ансамбили жўрлигида ижро этиш мақсадга мувофиқдир.

## Эй сарви равон

Нодира ғазали
С.Калонов мусиқаси




ваъ-да-йи ви-со-линг эй сар-ви ра - вон
на - дур ха - ё - линг жон ўр - та - ди
ваъ-да-йи ви - со - линг ваъ-да - йи ви-со - линг
Пай- вас - та ду - о - йинг хайр э - тар-мен


Мақ-су - дим э-рур
се-нинг ка - мо-линг
Се-нинг ка - мо - линг(а)
се-нинг ка - мо -
линг
Уш-шоқ-ла - ринг - - ға- минг - да ўл-ди


йўқ-дур се - нинг зар - ра-йи ма - ло - линг
Эй хас-та кўн - гил фи-роқ и - чин - да
дам ур - ға - ли қол - - ма-ди


ма - жо - лим
Эй Но - ди - ра лоф - и
ишқ у - рар сен
Маш-ху - ри ҳа - ло -
йиқ ўл - ди хо - линг
Эй сар-ви - ра- вон - -
-на-дур ха - ё - линг
Жон ўр - та - ди




Эй сарви равон надур хаёлинг
Жон ўртади ваъдайи висолинг
Пайваста дуойи хайр этармен
Мақсудим эрур сенинг камолинг
Ушшоқларинг ғамингда ўлди
Йўқдур сенинг зарраи мелолинг
Эй хаста кўнгил фироқ ичинда
Дам урғали қолмади мажолинг
Эй Нодира лофи ишқ урарсен
Машҳури халойиқ ўлди холинг
Эй сарви равон надур хаёлинг
Жон ўртади ваъдайи висолинг.

***Оламда гуллар яшар***

Шароф Рашидов сўзига композитор Соломон Юдаков куй басталаган ушбу қўшиқ, асосан аёларнинг сапрано овози учун ёзилган. Қўшиқ созандалар ансамбли, халқ чолғу асбоблари оркестри, ёки якка фортепиано жўрлигида ижро этилиши мумкин. Бу қўшиқ икки хиссали бўлиб, қўшиқчидан жумланинг охирини икки, баьзан эса тўрт такт чўзиб туришни талаб қилади.

# Оламда гуллар яшар

Ш.Рашидов шеъри
С.Юдаков мусиқаси




О - лам - да гул - лар - я - шар
tr
p
cresc.
Боғ - лар - га жа- мол - бў-либ
боғ - лар-га жа - мол бў - либ
p
Гул-зор-лар-га я-ра-шар
tr
у - лар ҳус - ни ҳол бў - либ,
У - лар ҳус - ни
p
p


Ҳол бў - либ ҳол бў - либ ҳол бў - либ
Гул-лар кўп - кўп че-чак - лар кўп
A
Meno mosso
Эй

Оламда гуллар яшар
Боғларга жамол бўлиб
Гулзорларга ярашар
Улар хусни хол бўлиб.

Гуллар кун чечаклари кўп
Қўшиқлар эртаклар кўп
Боши шу ҳар гулининг
Қалбида тилаклар кўп.

Келинглар гўзал гуллар
Келинг ошиқ булбуллар
Биз севгини куйлайлик
Ором олсин кўнгиллар

Аммо наргиз эртаги
Унинг ишқи тилаги
Хушбой гуллар боғининг
Энг чиройли чечаги.

### *Қалам қошида*

Туроб Тўла шеърига Икром Акбаров куй басталаган бу қўшиқ Гулбаҳор кинофилми учун ёзилган. Уни йигит ва қиз овози миллий йўлда дуэт тарзида куйлаши лозим. Қўшиқда доира ритми рақсбоб, ўйноқи бўлиб, такт бошидаги кичик хиссани ўтказиб юбориш ва қолган хиссалар билан бирга куйлашни тақозо этади.

## Қалам қошида

Т.Тула шеъри
И.Акбаров мусиқаси




му-яс - сар ё-ринг қош-инг - да Сев-ган ё-ринг ё- нинг-да
сев-ги ё- шинг - да Сеҳ-ринг бор-ми кў- зинг-да қа-лам қо-шинг
да
Гул уз-дим дас - та-дас-та сен-га ҳа - вас - да
mf


Гу-лим-ни ол - шу-гул-га мех-рим пай - вас
та Сев-ган-ё-ринг ё - нинг-да сев-ги ё - шинг-да
Сеҳ-ринг бор - ми кў - зинг - да қа - лам қо -
шинг - да
тамомлаш учун
f
mf
pp

Тол баргаги сочингда тўлган ёшингда
Иқболингга муяссар ёринг қошингда.

Нақорат:
Севган ёринг ёнингда севги ёшингда
Сеҳринг борми кўзингда қалам қошингда.

Гул уздим даста-даста сенга ҳавасда,
Гулимни ол, шу гулга меҳрим пайваста.

Нақорат.

Боғларга йўл сол аста гуё гулдаста,
Айвони лолалар ҳам қолсин ҳавасда.

Нақорат.

### ***Раъноланмасун***

Шоир ғазалига Юнус Ражабий куй басталаган бу қўшиқ унча кенг бўлмаган диапазонга эга. Ижронинг мураккаблиги доира усулининг сўнгра ижрога киришиш, яъни тўлиқсиз шакилда тугашидир. Кейинги вақтда бу қўшиқ Увайсий ғазали билан ҳам куйланмоқда. У асосан эркаклар овозига мослаб ёзилган.

## Раъноланмасун

Гозий ғазали
Ю.Ражабий куйи




mp
О - ра - зинг
mp
зеб - ай - ла - то
гул - зор ра - - но - лан - ма -
сун
mf
лаъ - ли - дин - сўз эт ду - ри
mf
cresc.
шаҳ - вор ра - - - но - лан - ма - сун
dim.
Қат - ра -


и сув - ко - ми - ма Куй-ғил ла - бинг
ша - ро - би - дин
f
Кат - ра - и сув ко - ми -
cresc.
-ма куй-ғил ла - бинг ша - ро - би дин
mf
То - ки - ё - мат бўл - ғун - ча ху - мор раъ -




Оразинг зеб айла то гулзор раъноланмасун

Лаълидин сўз эт дуришаҳвор раъноланмасун

Қатраи сув комима қуйғил лабинг шаробидин

То қиёмат бўлгунча  хумор раъноланмасун.

Дилрабо бошинг учун ғайрига раъно этма сўз

Деди раъноланмаса такрор раъноланмасун

Мен нечун сўз этмайин гулгун юзингдин сўнги эл

Вайсийдин бир панддур иқрор раъноланмасун.

***Уйнасин***

Шоир, Уйғун шъерига Тўхтасин Жалилов куй басталаган бу қўшиқ ялла ҳисобланади. Уни ашулачилар ансамбли ёки яккахон эркак овоз созандалар ансамбли жўрлигида, рақсбоб тезликда ижро этиши мақсадга мувофиқдир. Қўшиқ нақоратли бўлиб ҳар икки куплетдан сўнг нақорат такрорланади.

# Ўйнасин

Уйғун шеъри
Т.Жалилов мусиқаси




О-чи-либ гул-гул-ё-
ниб зул-фи па-ри шон уй-на-син
О-чи-либ син Иш ва бир - -
лан сил-ки-ниб то-вус хи-ро - мон уй-на-


1.
2.
син Ишвабир син Ҳар та-раф
га тар-қа тиб гул - зор-да гул-лар ат - ри-ни
Юз-ла-ри гул тиш-ла-ри - дур
f
f
1.
лаъ-ли-хан - дон ўй - на-син юз-ла-ри


2.
син.
Чул-ға- ниб - -
бел-лар-га зар - рин ко-ки - лин мас-то - на-вор
Қад-ди бар - но тўл-ға - ниб




Очилиб гул – гул ёниб зулфи паришон ўйнасин

Ишва бирлан силкиниб товусхирамон ўйнасин

Ҳар тарафга тарқатиб гулзорда гуллар атрини

Юзлари гул, тишлари дур, лаъли хандон ўйнасин.

Нақорат:

Чўлғаниб белларга  заррин кокили мастонавор

Қадди барно тўлғаниб мисли зарафшон ўйнасин.

Дилни ўтларга ёқиб сер ноз ила  қийғоч боқиб

Хуш табассум хуш такаллум офати жон ўйнасин

Юз латофат бирла ошиқларга  санъат боғидан

Лутфу эҳсон айлабон ул моҳитабон ўйнасин.

Нақорат:

Чулғаниб белларга  заррин кокили мастонавор

Қадди барно тўлғаниб мисли зарафшон ўйнасин.

### ***Йўлларим***

Туроб Тўла шеьрига Мухтор Ашрафий куй басталаган бу қўшиқ лирик характерда бўлиб, яккахон аёл овози учун ёзилган. Қўшиқнинг ўлчови 4 хиссали, тановар доира усулидадур. У тўрт куплет ҳажмга эга бўлиб, биринчи куплет даромад, иккинчи куплет авж, 3-4 куплетлар ҳам худди шу тарзда куйланади.

## Йўлларим

Т.Тўла шеъри
М.Ашрафий мусиқаси




бу тоғ - лар
Бул-бул- лар - дан
э - гил- ла - ди
бу- тоқ - лар
pp
Ба-хор бӯ - йи
а - дир - лар ни
тут - ган - да
Жан- нат - да ҳам
то- пил - май - ди
бу чоғ-лар
бу чоғ - лар
бу чоғ - лар


о...
Ба-хор кел-ди
ча-ман бўл - ди гул - ла-рим ча-ман бўл-ди
ёл - ғиз о - ёқ йўл - ла - рим жил-ға - лар-дек
жил - ға-лар-дек ю - гу - рак Ел-дек ел - ди




Бахор келса гул бўлади бу тоғлар
Булбуллардан эгилади бутоқлар
Бахор бўйи адирларни тутганда
Жаннатда ҳам топилмайди бу
чоғлар.

Бахор келди чаман бўлди гулларим
Чаман бўлди ёлғиз оёқ йўлларим
Жилғалардек жилғардек югурак
Елдек елди ёлғиз оёқ йўлларим.

Қайдан қайга югурасан – еласан
Йироқлардан нелар олиб келасан
Болалигим, тойчоқлигим, шўхлигим
Не кунларни бошгинамга соласан.

Уйим ёлғиз оёқ йўлининг бошида
Қахри қаттиқ ўхшар тоғлар тошига
Пинхон – пинхон етаклайди қайларга
Ташнамиди кўзгинамнинг ёшига.

### *Диёримсан*

Хабибий ғазалига Комилжон Жabборов куй басталаган бу қўшиқ мумтоз қўшиқ бўлиб, уч ҳиссали ўлчовда ёзилган. Унинг ўзига ҳос куплетлар оралиғида мусиқий паузасининг йўқлиги ва куплетлардаги 4-5 мисранинг нақорат сифатида такрорланишидир. Қўшиқ аёлларнинг сапрано овози учун мослаб ёзилган.

## Диёрим сан

**Вальс темпида**

К.Жаббаров мусиқаси
Хабибий ғазали




лар Бош-дан о-ёқ оқ - ол-тин сах̧-ро - ю
би-ё - бон-лар Ал-бат-та ў-тар юз-дан
зўр ахд и-ла пай - мон-лар ал-бат-та ў-тар юз-дан
зўр ахд и - ла пай - мон-лар Ол-тин-га х̧а-зи
нам-сан жо-ни-мей бо- ғим-ла ба- х̧о - рим-сан
Х̧ар ер-да ма- дат - ко-рим жо- ним-эй х̧ар иш-да ма- до - рим-сан
Х̧ар ер-да ма - дат ко-рим х̧ар иш-да ма- до -
рим-сан Эл-бир-ла Х̧а- би - бий х̧ам Эл-бир-ла
Х̧а- би - бий х̧ам мех̧-нат-да са- до - қат-да
Бўл-динг-Ва - та - ним о-бод шав-кат-да а- до - лат-да
То-бо-ра о-зод хал-қим яш-най-ди са-о -




Ей озод гўзал ўлкам ҳурматли диёримсан
Кўп заҳмат ила топган бахтимсан, баҳоримсан
Жоним каби асрайман номус ила оримсан
Кўнглим очилур боқсам орому қароримсан
Ҳар ерда мададкорим ҳар ишда мадоримсан.

Қуйнингда ўсар яйраб энг баҳтиёр инсонлар
Бошдан-оёқ оқ-олтин саҳро-ю биёбонлар
Албатта ўтар юздан зўр ахд ила паймонлар
Олтинга хазинамсан боғимла баҳоримсан
Ҳар ерда мададкорим, ҳар ишда мадоримсан.

Эл бирла Ҳабибий ҳам меҳнатда, саодатда
Бўлдинг ватаним обод шавкатда, адолатда
Тобора озод халқим яшайди фароғатда
Машҳури жаҳон бўлдинг шавкатли диёримсан
Ҳар ерда мададкорим, ҳар ишда мадоримсан.